

**“Марғилон Файз савдо комплекси” акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2017 йил якунига кўра ўтказилган навбатдаги
умумий йиғилиш БАЁНИ.**

Йиғилиш ўтказилган сана – 09 июнь 2018 йил

Йиғилиш ўтказилган манзил – Қўштепа тумани Қумтепа қишлоғи Сармазор КФЙ
Б.Марғилоний кўчаси.

Йиғилиш баёни имзоланган сана – 12 июнь 2018 йил.

Биринчи бўлиб кузатув кенгаши аъзоси А. Нурматов сўз олиб, бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар ҳақида маълумот беришни сўраб, санок комиссияси раисига сўз берди.

Санок комиссияси аъзоси Г.Усмонова сўзи:

“Марғилон Файз савдо комплекси” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этувчиларнинг рўйхатга олиш муддати тўғадан сўнг, рўйхатдан ўтган акциядорлар санаб чиқилганда қуйидагилар маълум бўлди:

1. “Фарғона вилояти деҳқон буюм бозорлари уюшмаси” номидан вакил Илхомжон Тошбоев 2018 йил 08 июнь кунги № 10-сонли ишончномага асосан 84 903 дона акция 0.44% овоз билан,
2. Марғилон шаҳар ҳокимияти номидан вакил И.Ғофуров 2018 йил 31 май кунги № 987-сонли ишончномага асосан 10 000 000 дона акция –51,81 % овоз билан,
3. -163 093 дона ёки 0.84 % овоз берувчи акцияга эгалик қилувчи 14 нафар жисмоний шахслар рўйхатдан ўтдилар.

Акциядорлик жамиятининг 2018 йил 05 июн ҳолатига жами овоз берувчи акциялар сони **19 302 598** донани, бугунги умумий йиғилишда жами йиғилган овоз берувчи акциялар сони **10 247 996** дона, бу эса овоз берувчи акцияларга нисбатан 53.09 % ташкил этади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 68-моддасига кўра агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Юқоридагиларга кўра умумий йиғилиш ваколатга эга.

Санок комиссияси баёни қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқланди

Йиғилиш қатнашчилари томонидан санок комиссияси таркибига ўзгартириш киритиб, қуйидаги номзодлар санок комиссияси аъзолигига бир овоздан яна бир йил муддатга сайландилар:

1. Г.Усмонова, 2. Қ.Содиқов 3.Юлдошев А.

Йиғилиш раиси этиб – И. Тошбоев ҳамда йиғилиш котиби этиб - Б.Мамажоновлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар.

Шундан сўнг йиғилиш раиси сўз олиб, бугунги умумий йиғилишда кворум тупланганлиги ва йиғилишни бошлаш мумкинлигини айтиб, йиғилишни тартибли олиб бориш учун ишчи гуруҳни сайлаб олиш кераклиги сабабли, акциядорлардан ўз фикрларини сўради.

Акциядорлар томонидан йиғилиш президиумига қуйидагиларни тавсия қилишди:

1. Ғофуров И – Марғилон шаҳар ҳокимлигидан вакил
2. И.Тошбоев – Бозорлар уюшмасидан вакил
3. Рузиев У – Жамият бошқарув раиси.

Юқоридаги номзодлар қатнашувчилар томонидан бир овоздан тасдиқландилар.

Йиғилиш раиси ишчи президиум аъзоларига ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва йиғилиш кун тартиби, уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшитирди. Умумий йиғилиш регламенти ҳам бир овоздан тасдиқланди

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, бугунги умумий йиғилиш кун тартибига ўн битта масала қўйилганлиги ва ҳар бир масала кўриб бўлингандан сўнг, музокаралар олиб боришни, қўшимча равишда сўзловчилар бўлса, уларга сўз беришни тавсия қилди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан тасдиқладилар.

Кун тартибда:

1. "Маргилон Файз савдо комплекси" АЖ бошқарув раисининг 2017 йил молия-хўжалик аолияти якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилда қабул қилган қарорларини ва йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2017 йил якуни юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни юзасидан аудитор хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб-варагини тасдиқлаш ҳамда соф фойдани тақсимлаш.
6. Жамият ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2018 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
7. Жамият бошқарув раисини сайлаш ва меҳнат шартномасини тузиш.
8. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
9. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
10. Бошқарув аъзоларини таркибини қайта сайлаш.
11. 2018 йил учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.

Биринчи бўлиб сўзни йиғилиш раиси Тошбоев Илхомжон олиб, бугунги йиғилиш ҳақида сўзлаб, йиғилиш қатнашчиларига кун тартибини ўқиб эшиттирди.

Биринчи масала бўйича "Маргилон Файз савдо комплекси" акциядорлик жамияти бошқарув раиси У.Рузиев сўз олиб 2017 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида ҳамда жамиятимизда қилинган қурилиш монтаж ишлари бўйича ҳисобот берди. *(Ҳисобот илова қилинади)*

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича йиғилиш аъзоси И.Тошбоев сўзга чиқиб ўз сўзида 2017 йил якуни бўйича кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлари юзасидан ўз ҳисоботини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди *(ҳисобот илова қилинади)*.

Кун тартибдаги учинчи масала бўйича тафтиш комиссияси раиси М.Ҳамдамов сўзга чиқиб жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини ўқиб эшиттирди *(Тафтиш комиссия хулосаси илова қилинади)*.

Кун тартибдаги тўртинчи ва бешинчи масалалар бўйича жамият бош ҳисобчиси О.Бозорбоев сўзга чиқиб, 2018 йил 28 апрел кунги "ТТГ- Аудит" маъсулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосани йиғилиш қатнашчиларига таништирди ҳамда 2017 йил якуни бўйича йиғилиш қатнашчиларига бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар билан таништирди. Шунингдек у жамият томонидан 2017 йил якуни бўйича 55 500.0 минг сўм миқдорига соф фойда олингани, кузатув кенгашини берган тавсияга кўра олинган соф фойдани қуйидагича тақсимлаш умумий йиғилиш ҳукмига ҳавола қилинганини таъкидлади:

1. Жамият захира фондини шакллантириш учун	5%	-2 775 000 сум.
2. Жамиятнинг ривожлантиришга	34.88%	19 358 400 сум
3. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари харажатларини коплашга	10 %	-5 550 000 сум.
4. Дивидентга	50,12%	-27 816 600 сум

Жами жойлашган акциялар сони $19\,302\,598$ дона, $27\,816\,600 / 19\,302\,598 = 1,44$ сум, яъни ҳар бир дона акцияга 1,44 сумдан дивидент ҳисобланиши умумий йиғилишига тавсия этилган

Кун тартибдаги масалалар бўйича йиғилиш раиси сўзини давом эттириб ҳозирги кунда жамиятимизда савдо дуконларини қурилиш маонтаж ишлари олиб борилаётганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги № 687-сонли қарори ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги № 466-сонли қарорларига асосан Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий ёрқин намунаси сифатида миллий хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида савдо комплексмида павилионлар, очик айвонларни қуришишига акциядорлар учун ажратилган

27 816 000 сум пул маблағларини сарифланиб,тадбиркор ва харидорларги қулай шарт-шароитларни яратиш таклифларини киритилди.

Ушбу масала юзасидан Марғилон шаҳар ҳокимлиги номидан иштирок этаётган Иқболжон Гофуров сўзга чиқиб юқоридаги айтиб утилган сўзларини мақуллаб, ҳозирги кунда миллий хунармандчилик ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиб берилаётганлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлигини қарорларини бажариш мақсадида савдо ўринларини ташкил қилиш, Марғилон шаҳримизда туризмни ривожлантириб уларни келиб кетишларига қулай шароитлар яратиш мақсадида Марғилон шаҳар ҳокимлигига ажратилган 14 4000 000 сум маблағларни сарифланишини қарши эмаслигини билдирди. *(Аудитор хулосаси, бухгалтерия баланси ва модиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот илова қилинади).*

Кун тартибидаги олтинчи масала “Жамият ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2018 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш” бўйича йиғилиш раиси сўз олиб жамият ижро органи томонидан 2018 йил учун тақдим этилган бизнес-режа кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган, шунинг учун кун тартибига тасдиқлаш учун киритилганини таъкидлади. Мазкур масала бўйича бошқарув раиси У.Рузиев йиғилиш иштирокчиларини бизнес- режа параметрлари билан таништирди. *(Бизнес-режа илова қилинади)*

Кун тартибидаги еттинчи масала “Жамият бошқарув раисини сайлаш ва, меҳнат шартномасини тузиш” масаласи бўйича йиғилиш раиси сўзини давом эттириб жамиятнинг амалдаги бошқарув раиси вазифасини бажараётган.Рузиев Улуғбек Абдувахобовични фаолиятдан кузатув кенгаши қониқиш ҳосил қилаётганини таъкидлади. 2018 йил учун ҳам Рузиев Улуғбек Абдувахобович билан меҳнат шартномаси тузиш таклифини берди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала “Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш”

Жамият Низомининг 16-модда 16.2 бандида таъкидланганидек жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби 7 (беш) нафардан иборат эканлиги ушбу низомга асосан номзодлар қуйдагилар Яъни:

- | | |
|------------------------|--|
| 1. Гофуров Иқболжон | – Марғилон шаҳар Ҳокимлиги вакили |
| 2. Фозилов Акмалжон | - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили |
| 3. Нурматов Абдуҷаббор | – Жамият акциядори. |
| 4. Тухтасинов Уктамжон | – Жамият акциядори |
| 5. Исмоилов Фарҳоджон | - Жамият акциядори |
| 6. Бутабаев Худойберди | - Жамият акциядори |
| 7. Тошбоев Илҳомжон | -“Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили |

Кун тартибидаги тўққизинчи масала “Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш” масаласи юзасидан тафтиш комиссияси аъзолигига қуйдаги номзодлар таништирилди:

- | | |
|-------------------------|--|
| 1. Мадаминов Раҳматилло | - Жамият акциядори |
| 2. Каландаров Одилхон | - Жамият акциядори |
| 3. Хамдамов Маҳмаджон | - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили |

Кун тартибидаги ўнинчи масала “Бошқарув аъзоларини таркибини қайта сайлаш” масаласи юзасидан бошқарув органи аъзолигига қуйдаги номзодлар таништирилди:

- | | |
|------------------------|---|
| - Рузиев Улуғбек | - Бошқарув раиси |
| - Мадаминов Абдувоҳид | - жамият Бош назоратчи Ижро орган аъзоси |
| - Бозорбоев Орифжон | - Жамият бош ҳисобчиси Ижро орган аъзоси |
| - Усмонов Рашидхон | - Жамият раис ўринбосари Ижро орган аъзоси |
| - Мамажоновна Саёрахон | - Жамият қадирлар бўлими ходими Ижро орган аъзоси |

Кун тартибидаги ўн биринчи масала “2018 йил учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш” масаласи жамиятга ўз таклифлари билан мурожаат қилган “Аудит профессионал практик” ва “ТТТ-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари таклифлари ўрганиб чиқилиб 2018 йил якунлари бўйича жамиятимизни “Аудит профессионал практик” МЧЖ аудитор текширувини ўтказишлигини такидлаб ўтди ҳамда аудиторлик хизмати учун тўланадиган хизмат ҳақнинг юқори миқдори 1500,0 минг сўм этиб белгиланишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг кун тартибига қўйилган масалалар бўйича иштирокчилар ўртасида савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси иштирокчилардан кун тартибига масалалар бўйича овоз бериш тартиби ва шартлари, кузатув кенгашига аъзоларни сайлашда овоз бериш шартларини тушунтирди ҳамда овоз бериш бюллетенлари орқали овоз беришларини сўради.

Кун тартибидagi масалалар бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича;

1-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
2-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
3-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
4-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
5-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
6-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
7-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
8-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
9-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
10-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.
11-масала;	Розилар-100%,	қарши ва бетарафлар-йўқ.

Овоз бериш натижаларига кўра акциядорларни умумий йиғилиши қарор қилади.

1. “Марғилон Файз савдо комплекси” АЖ бошқарув раисининг 2017 йил молия- хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилда қабул қилинган қарорларни ва йил якуни бўйича кенгаш ҳисоботи ва 2017 йилда ўтказилган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.
3. Жамиятни 2017 йил якуни юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.
4. Жамиятни 2017 йил якуни юзасидан аудитор хулосаси тасдиқлансин.
5. Жамиятни 2017 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин, ҳамда 55 500,0 минг сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

1. Жамият захира фондидини шакллантириш учун	5%	-2 775 000 сум.
2. Жамиятни ривожлантиришга	34,88%	19 358 400 сум
3. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари харажатларини коплашга	10 %	-5 550 000 сум.
4. Дивидентга	50,12%	-27 816 600 сум

Хар бир дона акцияга 1,44 сумдан дивидент ҳисоблансин.

Марғилон шаҳар ҳокимлигига ажратилган 14 400 000 сум ва қолган акциядорларга ажратилган 13 416 000 сум жами 27 816 000 сумлик акциядорларга ажратилган дивидентларни Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг ва Вилоят ҳокимлигининг чиқарган қарорларига асосан сарифлаш тасдиқлансин..

6. Жамият ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2018 йил учун бизнес-режа тасдиқлансин.
7. Жамият бошқарув раиси лавозимига Улугбек Абдувахобович Рўзиев сайлансин ва меҳнат шартномаси навбатдаги умумий йиғилишгача тузиш тасдиқлансин.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:
 1. Ғофуров Иқболжон – Марғилон шаҳар Ҳокимлиги вакили
 2. Ғозилов Акмалжон - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили
 3. Нурматов Абдужаббор – Жамият акциядори.
 4. Тухтасинов Уктамжон – Жамият акциядори
 5. Исмоилов Фарходжон - Жамият акциядори
 6. Бутабаев Худойберди - Жамият акциядори
 7. Тошбоев Илхомжон - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси” вакили

9. Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Мадаминов Раҳматилло - Жамият акциядори
2. Каландаров Одилхон - Жамият акциядори
3. Хамдамов Махамаджон - “Фарғона вилоят бозорлар уюшмаси» вакили

10. Бошқарув органи аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

- | | |
|-----------------------|---|
| - Рузиев Улуғбек | - Бошқарув раиси |
| - Мадаминов Абдувоҳид | - жамият Бош назоратчи Ижро орган аъзоси |
| - Бозорбоев Орифжон | - Жамият бош ҳисобчиси Ижро орган аъзоси |
| - Усмонов Рашидхон | - Жамият раис ўринбосари Ижро орган аъзоси |
| - Мамажонова Саёраҳон | - Жамият қадирлар бўлими ходими Ижро орган аъзоси |

11. Жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Аудит профессионал практик” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ҳамда унинг хизмати учун тўланадиган хизмат ҳақининг юқори миқдори 1500,0 минг сўм этиб белгилансин.

Жамият ижро органи раҳбарига ва қимматли қоғозлари бўлими бошлиғига ушбу йиғилиш қарорларини оммавий ахборот веб-сайдларига белгиланган муддатларда жойлаштириш вазифаси юклатилсин

Йиғилиш раиси:

И.Тошбоев.

Йиғилиш қўриғи:

Б.Мамажонов.



Handwritten signature in blue ink.